

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ S/2 (3)-2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Рахманова Мавлуда Эркин қизи</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
<b>Икромжонов Акмалжон Махмуджонович</b> ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
<b>Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли</b> ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
<b>Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи</b> НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
<b>Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli</b> SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
<b>Махмудов Махмуд Авазович</b> ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
<b>Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li</b> YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<b>Muminova Elnoraxon Abdukarimovna</b> “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
<b>Файзуллоев Мирсаид Шухратович</b> СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
<b>Кахарова Нилуфар Эркинжоновна</b> ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
<b>Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич</b> СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
<b>Rahmonov Mirvoxid Rajabovich</b> HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
<b>Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич</b> ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
<b>Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович</b> ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

<b>Насимов Равшанжон Азимович</b> МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....	121-130
<b>Nabieva Nilufar Muratovna</b> MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
<b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b> КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ .....	140-148
<b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b> TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJYIY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
<b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
<b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b> KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI .....	163-172
<b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b> ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....	173-179
<b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b> МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	180-187
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич</b> ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	188-192
<b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b> УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	193-198
<b>Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li</b> “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili .....	199-204
<b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b> САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ .....	205-213
<b>Safarov Maqsudali</b> ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR .....	214-219
<b>Сохибова Лола Жонибоевна</b> ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....	220-224

**Адашова Махсума Махмудбоевна**  
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ  
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

**Mukhammediyarova Akhmaral**  
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE  
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon**  
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY  
MA‘NOLARI.....240-245

**Surmilova Elena**  
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE  
TEACHING .....246-252

**Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи**  
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....253-257

**Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna**  
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)” .....258-262

**Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi**  
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI .....263-268

**Fillipova Olga Igorevna**  
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

**Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi**  
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER” .....279-285

#### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

**Ильясов Баходир Ильясович**  
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA  
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI .....286-293

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи**  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....294-299

**Хаётов Анвар Хусанович**  
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ  
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....300-307

#### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

**Журабекова Хабиба Мадаминовна**  
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ .....308-315

<b>Tursunova Aziza Xoshimovna</b> WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI .....	316-321
<b>Oblanazarov Faxriddin Asadovich</b> FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH .....	322-329
<b>Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna</b> IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....	330-335
<b>Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li</b> MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI .....	336-342
<b>Jurayev Bobomurod Tojiyevich</b> SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI .....	343-350



12.00.00 – Юридик фанлар

**Хаётов Анвар Хусанович**

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти,  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти  
Email: [sunshine\\_83@mail.ru](mailto:sunshine_83@mail.ru)  
ORCID: 0009-0003-3127-0601

### **ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНING МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ХУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақола Олимпия Хартияси қоидаларини таҳлил қилиш асосида Халқаро Олимпия қўмитасининг халқаро ҳуқуқдаги мақомини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда Халқаро Олимпия қўмитасининг Швейцария қонунчилиги бўйича нодавлат ташкилот сифатидаги расмий мақоми, шунингдек халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олишга асос бўлувчи халқаро амалиёт кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Олимпия Хартияси, халқаро спорт муносабатлари, Халқаро Олимпия қўмитаси, Халқаро Олимпия ҳаракати, халқаро спорт ҳуқуқи, ХОҚ нинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақоми, халқаро нодавлат ташкилоти, халқаро ҳукуматлараро ташкилот.

**Хаётов Анвар Хусанович**

доцент кафедрасы «Общественных дисциплин»  
Института переподготовки и повышения квалификации  
специалистов по физической культуре и спорту

### **АВТОНОМНЫЙ СТАТУС МЕЖДУНАРОДНОГО ОЛИМПЕЙСКОГО КОМИТЕТА И ОТНОШЕНИЯ С РАЗЛИЧНЫМИ СУБЪЕКТАМИ ПРАВА**

**Аннотация.** Статья посвящена изучению статуса Международного олимпийского комитета в международном праве на основе анализа положений Олимпийской хартии. В статье рассматривается официальный статус Международного олимпийского комитета как неправительственной организации зарегистрированной на основе швейцарского законодательства, а также международная практика, дающая основания признавать МОК субъектом международного права.

**Ключевые слова:** Олимпийская хартия, международные спортивные отношения, Международный олимпийский комитет, Международное олимпийское движение, Международное спортивное право, международная правосубъектность МОК, международная неправительственная организация, международная межправительственная организация.

**Khayotov Anvar**

Associate Professor of the Department of “Social Disciplines”  
of the Institute for Retraining and Advanced Training of Specialists  
in Physical Culture and Sports

### **THE AUTONOMOUS STATUS OF A NATIONAL OLYMPIC COMMITTEE AND THE RELATION WITH DIFFERENT LEGAL SUBJECTS**

**Annotation.** The article is devoted to the study of the status of the International Olympic Committee in international law based on the analysis of the provisions of the Olympic Charter. The article discusses the official

status of the International Olympic Committee as a non-governmental organization registered on the basis of Swiss law, as well as international practice that gives reason to recognize the IOC as a subject of international law.

**Key words:** Olympic Charter, international sports relations, International Olympic Committee, International Olympic Movement, International sports law, international legal personality of the IOC, international non-governmental organization, international intergovernmental organization.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N40>

## **Кириш**

Юқори натижалар спортини норматив тартибга солиш - давлатларнинг миллий қонунчилигида, спорт ташкилотларининг ўзини ўзи тартибга солишга асосланган қоидаларларида ва баъзи халқаро ҳужжатларда мавжуд бўлган нормаларнинг мураккаб тизимини ифодалайди. Халқаро спорт ҳуқуқи бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида ривожланиб, тартибга солиш предметининг ўзига хослигига кўра, меҳнат, фуқаролик ва солиқ ҳуқуқи каби ҳуқуқ тармоқлари қоидаларини спортчилар фаолиятига мослаштиришга имкон беради.

Олимпия ҳаракати аввал бошиданоқ ўзини ўзи бошқарувчи тизим сифатида шакланган бўлиб, унинг фаолияти асосан ҳаракат ташкилотлари жойлашган ва фаолият юритадиган мамлакатларнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Шу билан бирга, у халқаро ҳуқуқ билан муҳим алоқаларга эга бўлган глобал бошқарув институтидир. Мақола Олимпия Хартияси қоидаларини таҳлил қилиш асосида Халқаро Олимпия кўмитасининг халқаро оммавий ҳуқуқдаги мақомини ўрганишга бағишланган бўлиб, Халқаро Олимпия кўмитасининг Швейцария қонунчилиги бўйича нодавлат ташкилот сифатидаги расмий мақоми, шунингдек халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олишга асос бўлувчи халқаро амалиёт кўриб чиқилган.

## **Адабиётлар таҳлили ва методология**

*ХОҚ ва Халқаро Олимпия ҳаракатининг расмий мақоми*

ХОҚ 1894 йилнинг 23 июнида Парижда бўлиб ўтган Халқаро атлетика конгрессида ташкил этилган. 1981 йилда Олимпия Хартияси ХОҚ ва бутун Олимпия ҳаракати учун ўзига хос низом сифатида қабул қилинди ва бугунги кунда Халқаро Олимпия ҳаракати фаолиятини тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилади [1].

Олимпия Хартиясининг 1-моддасига биноан, Олимпия ҳаракатининг учта асосий таркибий қисми - бу, мазкур ҳаракатда олий ҳокимиятга эга бўлган ХОҚ, халқаро спорт федерациялари (ХСФ) ва Миллий Олимпия кўмиталаридир (МОҚ). Бундан ташқари, Олимпия ҳаракати таркибига Олимпия ўйинлари ташкилий кўмиталари (ОЎТК), ХСФ ва МОҚ ларига тегишли миллий уюшмалар, клублар ва шахслар, хусусан, манфаатлари Олимпия ҳаракатининг асосий элементи сифатида эътироф этиладиган спортчилар, шунингдек ҳакамлар / реферилар, тренерлар ва спортда фаолият кўрсатувчи бошқа шахслари киради. Олимпия ҳаракати таркибига ХОҚ томонидан тан олинган бошқа ташкилот ва муассасалар ҳам киради. Хартиянинг 3-моддасига кўра, Олимпия ҳаракатига мансубликнинг асосий мезони ХОҚ томонидан тан олиниш ҳисобланади. Хартиянинг 1-моддасига биноан, Олимпия ҳаракатининг мақсади ёшларни Олимпизм ва унинг қадриятларига мувофиқ спорт билан шуғулланишга ўргатиш орқали яхшироқ дунёни барпо этишга ҳисса қўшишдир.

Аъзолик нуқтаи назаридан ХОҚ оддий нодавлат ташкилотдир. ХОҚ га аъзолик фақат жисмоний шахслар учун очик бўлиб, унинг таркибига қуйидаги тўрт тоифа

бўйича 115 нафардан ортиқ аъзо сайланиши мумкин эмас: Миллий олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерацияларининг юқори мартабали вакиллари, амалдаги спортчилар (учта тоифанинг ҳар биридан 15 кишидан кўп бўлмаган миқдорда), шунингдек ХОҚ да алоҳида амалга ёки лавозимга эга бўлмаган шахслар (70 кишидан ортиқ бўлмаган миқдорда). Аслини олганда ўз аъзоларини ўзи танлайдиган ХОҚ шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, уни хусусий клуб сифатида эътироф этишга замин яратади; у таъсисчилари томонидан шундай ўйланган ва бугунги кунгача шу шаклда бироз модернизация қилинган ҳолда мавжуд бўлиб келмоқда.

ХОҚ органларининг тузилиши Хартиянинг 2-бобида белгиланган бўлиб, ХОҚ органлари сифатида сессия (олий орган, йилига камида бир марта ўтказилади), Ижроия қўмитаси (бошқарув органи, Президент, тўртта вице-президент ва сессия томонидан тўрт йилга, кетма-кет икки муддатдан кўп бўлмаган миқдорда сайланадиган бошқа ўнта аъзодан иборат) ва Президент (ташкилотга раҳбарликни амалга оширади, сессия томонидан саккиз йилга сайланади, тўрт йилга қайта сайланиши мумкин) эътироф этилади. Президент доимий комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиши мумкин. Хартия ва унга расмий тушунтиришларда, хусусан, Спортчилар ишлари бўйича комиссия, Этика бўйича комиссия, номинациялар бўйича комиссияси, Олимпия бирдамлиги бўйича комиссия, Олимпия ўйинларига номзод шахарларнинг аризаларини кўриб чиқиш бўйича баҳолаш комиссиялари тузилиши зарур бўлган комиссиялар сифатида кўрсатилган.

ХОҚ каби йирик халқаро нодавлат ташкилотларининг доимий оператив ва маъмурий органларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай ташкилотларнинг доимий фаолият олиб боровчи органлари ходимларини ҳукуматлараро ташкилотлар билан аналогияга кўра "нодавлат ташкилотларнинг халқаро хизматчилари" деб аташ мумкин. ХОҚ да беъвосита ташкилий ва маъмурий ишлар ХОҚ Президентининг таклифига биноан Ижроия қўмитаси томонидан тайинланадиган бош директор раҳбарлигидаги ходимлар штати томонидан амалга оширилади (Хартиянинг 19.3-қоидаси). Шуниси эътиборга лойиқки, Хартияда Бош директорнинг аниқ ваколатлари ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган ва у бошчилик қиладиган ходимлар штати ҳақида сўз юритилмаган, аммо унга Президент томонидан ХОҚ Ижроия қўмитаси йиғилишларини ташкил этиш бўйича Президент ваколатларининг барчаси ёки уларнинг бир қисми берилиши мумкинлиги белгиланган.

Шундай қилиб, расмий равишда ХОҚ Швейцария қонунчилигига биноан рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилоти, хусусий юридик шахсдир. Бироқ, ХОҚ нинг миллий қонунчиликка асосланган мақоми Швейцария билан тузилган битимга кўра ўзгаришга учраган, яъни унда ХОҚ нинг бутун инсоният учун муҳим ҳисобланган соҳани тартибга солишдаги алоҳида роли эътироф этилган ҳолда Халқаро олимпия қўмитасининг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги тан олинган.

Расмий нуқтаи назардан, Олимпия ҳаракати—бу ХОҚ нинг ички ҳужжати, яъни Олимпия Хартияси асосида юридик ва жисмоний шахсларни бирлаштирган халқаро спор ҳамжамияти томонидан ўзини ўзи ташкил этишнинг мураккаб тузилишга эга шаклидир. Ҳаракатнинг таркибий қисмлари ва аъзолари, Хартиядан ташқари, ўз давлатларининг миллий қонунчилиги ва ички спорт нормаларига амал қилишади.

## Муҳокама

*ХОҚ фаолиятида мухторлик принципи.* Олимпия Хартиясида Олимпия ҳаракатига кирувчи ташкилотларнинг давлат ҳокимиятидан мухторлиги принципи бевосита мустаҳкамланган: ХОҚ аъзолари ўз мамлакатларининг ХОҚ даги делегатлари эмас, балки унинг мамлакатларидаги вакиллари дир (Хартиянинг 16-қоидаси, 1,4, 1,5-бандлари). Миллий Олимпия қўмиталари "Олимпия Хартияси талабларини бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай турдаги, шу жумладан сиёсий, юридик, диний ёки иқтисодий босимга қарши туриши керак" (Хартиянинг 28.6-қоидаси). Миллий Олимпия Қўмитаси мухторлигининг бузилиши, агар "мазкур мамлакатда амалда бўлган Конституция, ҳуқуқий қоида ёки тартиблар ёхуд ҳукуматга тегишли ёки бошқа муассасаларнинг ҳаракатлари МОҚ фаолиятига ёки унинг иродасини ифода этишига тўсқинлик қилса", унинг вақтинча аъзоликдан чиқарилишига ёки ХОҚ томонидан тан олинганлик мақомидан маҳрум этилишига олиб келиши мумкин (Хартиянинг 28.9-қоидаси). Бошқача айтганда, Хартия МОҚ мухторлигининг "беғуноҳ" бузилиши эҳтимолини тан олади, аммо бу ҳолат — санкциялар ёки ҳимоя чораларини қўллаш билан боғлиқ оқибатлардан озод қилмайди. Бундан ташқари, Хартия Олимпия ўйинларини ўз ҳудудда ўтказишни истаган давлатлар зиммасига бевосита жавобгарликни юклайди: "Олимпия ўйинларига ариза берган шаҳар жойлашган мамлакат ҳукумати ХОҚ га, ушбу ҳукумат ўз зиммасига барча мажбуриятларни олишини ҳамда давлат ва расмий ҳокимият Олимпия Хартиясига тўла риоя қилишини кафолатловчи расмий ҳужжатни тақдим этиши керак" (34.3-қоида).

Шу билан бирга, Хартия бўйича МОҚ нинг мухторлиги ўз давлати билан ҳар қандай алоқаларни мутлақ тақиқлашни назарда тутмайди, аксинча, "ўз миссиясини бажаришда МОҚ давлат органлари билан ҳамкорлик қилиши, улар билан уйғун муносабатларни ўрнатиши мумкин" (28.5-қоида); ўз хоҳишига кўра, МОҚ давлат ҳокимияти вакиллари ўз аъзолари этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин (29.4-қоида). Аксарият давлатларнинг амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу қоиданинг қўлланилиши кўп ҳолларда кузатилиб, МОҚ аъзолари сифатида олий давлат органларининг вакиллари, монархияга асосланган мамлакатларида эса ҳукмрон сулолалар аъзолари сайланади.

Хартиянинг ҳудудийлик тамойилларини белгилаш бўйича қоидалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, улар давлатларнинг суверенитетига бўлган ҳурмат руҳи билан йўғрилган: "Олимпия Хартиясидаги "мамлакат" тушунчаси халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган мустақил давлатни англатади" (31.1-қоида). МОҚ номи эса "мамлакатнинг ҳудудий чегаралари ва анъаналарини акс эттириши ва ХОҚ Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланиши керак (31.2-қоида).

ХОҚ фаолиятидаги мухторлик принципи, шунингдек, ўз жавобгарлик чоралари тизими мавжудлигида ҳам намоён бўлади. Шундай қилиб, Олимпия Хартиясининг "Чоралар ва санкциялар" деб номланган 23-моддасида санкциялар қўллаш имконияти назарда тутилган бўлиб, улар спорт тури, спорт турининг тармоғи ёки мусобақаларни Олимпия ўйинлари дастуридан чиқариб юбориш ёки халқаро спорт федерациясини тан олинганлик мақомидан маҳрум қилишда ифодаланиши мумкин. МОҚ га нисбатан вақтинча аъзоликдан четлатиш, тан олинганлик мақомидан вақтинча ёки доимий маҳрум қилиш, Олимпия ўйинларини ташкил этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби

чоралар қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, ХОҚ ҳар қандай делегациянинг расмий шахсларга, раҳбарлари ва бошқа аъзоларига, ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларига, шунингдек алоҳида иштирокчилар ва жамоаларга нисбатан (Олимпия ўйинларига қўйилишдан ёки ўйинлардан четлатиш; бу ҳолда олинган барча медаллар ва дипломлар ХОҚ га қайтарилиши керак) санкциялар қўллаши мумкин.

Халқаро спорт ҳаракати амалиёти ХОҚ томонидан қабул қилинган қарорларнинг мухтор хусусиятга эга эканлигини исботлайди. Бу парадоксал равишда кўпчилик йирик мусобақаларда спортчиларга нисбатан санкциялар қўлланилгандан кейинги турли мамлакатлар давлат амалдорларининг норозилигида акс этиб, норозиликнинг маъноси кўпинча ХОҚ га таъсир қилиш механизмлари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, ХОҚ жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилади (энг ёрқин мисол сифатида, Олимпия Хартиясида мустаҳкамланган Олимпизм қадриятларига зид апартеид режими туфайли Жанубий Африка Республикасининг, ҳамда антидопинг қоидаларининг кенг кўламда ва кўпол равишда бузилиши туфайли Россия Федерацияси спортчиларининг Олимпия ўйинларида иштирок этишдан четлатилишини келтириш мумкин). Давлатнинг Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши учун Хартия тамойиллари қанчалик жиддий бузилиши кераклиги ҳақидаги масала, 2008 йилги Олимпия ўйинларни қабул қилувчи мамлакат сифатида номзоди қўйилган Хитойга нисбатан боғлиқ ҳолда фаол муҳокама қилинди [2; 3].

### **Натижалар**

*ХОҚ нинг шартномавий ҳуқуқ лаёқати.* ХОҚ нинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомига хос элементлари унинг шартномаларида аниқ намоён бўлади. Масалан, Швейцария ҳукумати ва ХОҚ ўртасидаги битимнинг муқаддимасида кўмита фаолиятининг Олимпия ҳаракати олий ҳокимияти сифатидаги халқаро табиати ҳақида сўз бориб, халқаро муносабатлардаги роли ҳамда халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар билан тузилган шартномалари туфайли унда халқаро ҳуқуқ субъектига хос элементлар мавжудлиги тан олинади [4].

Шартнома ХОҚ га берилган солиқ, фискал, иммиграцион ва божхона имтиёзларини кафолатлайди, Швейцария давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича классик қоидаларни ўз ичига олади ва энг қизиғи, қўлланиладиган ҳуқуқни (томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ) белгиламайди: Битим бўйича низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Шундай қилиб, ушбу Битим халқаро ҳуқуққа мувофиқ тузилган ҳамда Швейцария ва ХОҚ учун субъектив халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди деб тахмин қилиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги ХОҚ мақомининг ҳақиқий кўламини баҳолашда у қабул қилган ҳужжатларнинг ташкилот тузилмасидан ташқарида муайян ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги таъсирини таъкидлаш муҳим аҳамиятга эга. Франциянинг Париж шаҳрида 2005 йил 19 октябрда қабул қилинган ва 2010 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган [5] “Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция” антидопинг ташкилотларининг допинг назорати жараёни ҳар қандай элементини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ёки таъминлашга оид қоидаларини белгилаш ваколатини ўрнатади ва допингга қарши курашда давлатларга Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) томонидан 2003 йилда қабул қилинган Бутунжаҳон антидопинг кодексига амал

қилишни тавсия қилади. Конвенция антидопинг ташкилотлари қаторига, хусусан, ХОҚ ва WADA ни киритади. WADA ХОҚ томонидан 1999 йилда Швейцария қонунчилигига мувофиқ жамғарма ташкилий шаклида тузилган бўлиб, Олимпия ҳаракати таркибига киради. Олимпия ҳаракатининг халқаро шартномавий ҳуқуқий лаёқати нуқтаи назаридан, Конвенциянинг 34-моддасида назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг махсус тартиби шубҳасиз қизиқиш уйғотади: Агар WADA допинг рўйхатга ёки терапевтик фойдаланиш учун рухсат бериш стандартларига ўзгартиришлар киритса, бундай тузатишлар Конвенцияга ўзгартириш киритиш учун таклифлар сифатида қабул қилинади ва бу ҳақда иштирокчи давлатларга хабар (нотификация) берилади. Конвенция давлатларнинг WADA таклифларига розилиги презумпциясидан келиб чиқади, яъни давлатлар нотификацияга 45 кун ичида фақат эътироз билдирилган тақдирдагина жавоб беришлари керак бўлади. Таклиф этилаётган тузатишлар, иштирокчи давлатларнинг 2/3 қисми ўз эътирозларини билдирмаган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади [6].

Олимпия Хартиясида мустаҳкамланган Олимпизм қадриятларини ҳукуматлараро ташкилотлар фаолиятида акс этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Минг Йиллик Декларациясининг 10-бандида таъкидланишича: "Биз аъзо давлатларни ҳозир ва келажакда, яқка ва жамоавий равишда Олимпия сулҳига риоя қилишга ҳамда Халқаро Олимпия қўмитасини спорт ва олимпия ғояларини амалга ошириш орқали тинчлик ва инсонлар орасида ўзаро тушунишни рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларида қўллаб-қувватлашга чақирамиз"[7].

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 54-сессиясида "Спорт ва Олимпия идеаллари орқали саёрада тинчлик ўрнатиш ва янада бахтли ҳаёт куриш" резолюциясини қабул қилди [8]. Унда аъзо давлатлар 2010 йилги XXI қишки Олимпия ўйинлари ва X қишки Паралимпия ўйинлари пайтида Олимпия сулҳига риоя қилишга, шунингдек Олимпия ўйинлари пайтида ва улар тугагандан сўнг можароли ҳудудларда тинчлик, мулоқот ва ярашувни рағбатлантириш воситаси сифатида спортдан фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларида ХОҚ ва Халқаро Паралимпия қўмитаси билан ҳамкорлик қилишга чақирилади.

ХОҚ нинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар билан институционал даражадаги алоқалари ҳам унда халқаро ҳуқуқ лаёқати элементларининг мавжудлигини кўрсатади. Масалан, 2009 йилнинг 19 октябрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ХОҚ га кузатувчи мақоми берилган бўлиб [9], буни ХОҚ нинг алоҳида махсус мақомини тан олиш деб қабул қилишимиз мумкин, чунки расмий асосларда, ХОҚ БМТ Уставининг 71-моддасида белгиланган тартиб доирасида нодавлат ташкилот сифатида, фақат БМТ нинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) ҳузурида консултатив мақомга даъво қилиши мумкин.

### **Хулоса**

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, халқаро муносабатлар амалиёти ХОҚ да халқаро ҳуқуқ субъекти мақомининг элементлари мавжудлигини ва бу ҳеч бўлмаганда ўз номидан халқаро муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқини ва шартномавий ҳуқуқий лаёқатнинг бошланғич кўринишларини ўз ичига олишини қайд этишга асос беради.

ХОҚ га қўйилаётган коррупция билан боғлиқ айбловлар фониди баъзи адабиётда ХОҚ, МОҚ ва Халқаро спорт федерациялари каби "уюшмалар устидан назоратни амалга

оширувчи ва умуман халқаро спорт ҳаракати фаолиятини бошқарадиган мустақил ташкилот" яратиш бўйича таклифлар янграмоқда. [10, 139-140 бетлар]. Афтидан, бундай ташаббусларда мухтор фаолият олиб борадиган Олимпия ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари ва унда ХОҚ нинг тизимни шакллантирувчи роли ҳисобга олинмаган. Ўз ишидаги камчиликларни эса ХОҚ ислоҳотлар орқали тузатишга ҳаракат қилмоқда. Бу борадаги муваффақиятли ташаббусларга мисол сифатида, 1999 йилда WADA нинг ташкил этилиши ва допингга қарши курашда ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилишини, бошқарув ва қарорлар қабул қилиш тизимида шаффофликни таъминлаш мақсадида 2007 йилда Хартиянинг бир қатор қоидаларига ўзгартиришлар киритилганини келтириш мумкин.

Спортни ривожлантиришдан манфаатдор ишқибозларнинг ўзига хос хусусий клуби сифатида туғилган ХОҚ Олимпия ўйинларини энг машҳур ва сўнгги вақтларда юқори даромадли тадбирлардан бирига айлантирди. Шубҳасизки, спорт мусобақаларини ўтказишда жамоат манфаатларини ҳисобга олиш керак, аммо глобал тадбирларда бундай манфаатларнинг хилма-хиллиги жуда катта. ХОҚ нинг мухтор, мустақил табиати ва унинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақоми турли манфаатларни уйғунлаштириш ва спортни Олимпизм руҳида ривожлантиришнинг асосий кафолатларидан биридир.

#### **Адабиётлар/ Литература/ References:**

1. Olympic Charter. In force as from 8 August 2021. Published by the International Olympic Committee. October 2021. P. 6.
2. Liu, J. H. Lighting the Torch of Human Rights: the Olympic Games as a Vehicle for Human Rights Reform / J. H. Liu // Northwestern University Journal of International Human Rights. 2007. V. 5. N 2. P. 213—235.
3. Tomlinson, A. Olympic Values, Beijing's Olympic Games, and the Universal Market / A. Tomlinson // *Owning the Olympics: Narratives of the New China* / Monroe E. Price, Daniel Dayan, ed. Ann Arbor: University of Michigan Press, 2008. P. 67—85.
4. Agreement between the Swiss Federal Council and the International Olympic Committee. Concluded on 1 November, 2000 // ICAAN — Internat Corporation for Assigned Names and Numbers. <https://archive.icann.org/en/psc/annex6.pdf>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида” 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-275-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 507-модда. <https://lex.uz/docs/1720974>
6. International Convention against Doping in Sport 2005, located at <https://www.unesco.org/en/legal-affairs/international-convention-against-doping-sport>.
7. United Nations Millennium Declaration. Adopted 8 September 2000 by General Assembly resolution 55/2. // located at <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/united-nations-millennium-declaration>.

8. Building a peaceful and better world through sport and the Olympic ideal : resolution / adopted by the General Assembly UN. General Assembly (54th sess. : 1999-2000). // located at <https://digitallibrary.un.org/record/371299?ln=ru>.
9. Observer status for the International Olympic Committee in the General Assembly : resolution / adopted by the General Assembly UN. General Assembly (64th sess. : 2009-2010). // located at <https://digitallibrary.un.org/record/668199?ln=ru>.
10. Ищенко С. А. Совершенствование правового статуса неправительственных объединений в международном спортивном движении / С. А. Ищенко // Право и политика. 2001. № 10. С. 139-140



# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).